



Савол:

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ. Мен илгари ҳам бир-неча марта ўз саволларим билан сизларни безовта қилган эдим. Саволларимга қониқарли жавоблар олдим, Аллоҳ сизлардан рози бўлиб қилаётган ишингларни бардавом қилсин.

Менинг бир биродарим мендан илтимос қилган эди, сизларга бир савол билан мурожаат қилиб кулинг деб. Биродаримни тишлари касалланиб, ўрнига «тилла» тиш қўйдирган экан, баъзи одамлар бу ишни ҳаром деётган эмиш, шу масалани тушунтириб берсанглар илтимос. Жавобингларни кутиб коламиз, Хайр.

Жавоб:

Ва алайкум ассалам ва роҳматуллоҳи ва барокатух.

Хурматли биродарлар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ипак билан тиллони аёллар учун ҳалол, эркаклар учун ҳаром деганлар. Шундай бўлсада бу иккисидан зарурат учун керакли миқдорда уламолардан сўраб, истеъмол қилса бўлади. Маслан: бир кишининг тиши бирор сабаб билан синган, унинг ўрнига тилладан бошқа ҳар қандай нарсадан тиш қўйилса унга зарар қиласи, агар шу ташхисни ишончли табиб қўйса, тиллодан тиш қўйдирса бўлади. Зийнат учун тиллодан тиш қўйдириш ҳаром.

Хозирги кунда тилладан бошқа қўплаб инсоннинг саломатлигига ҳеч зарар қилмайдиган тишлар бор, улардан қўйдирилса тақвога яқинроқ бўлади. Шайх Муҳаммад ал-Мунажжид ҳам шу маънода фатво берганлар.



Тилла тиш қўйдирса бўладими? | 2

Хурмат ила ИНТ